

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ УЙЎНЛАШГАН ҲИМОЯ ТИЗИМИ

Аннотация: данная статья посвящена разработке мер борьбы с вредителями в культивируемых лекарственных растениях. В результате исследования были выявлены различные виды вредных организмов на лекарственных растениях, выращиваемых в лесном хозяйстве Кашкадарьинской области, и был выявлен доминирующий, наиболее вредный вид.

Annotation: this article is devoted to the development of pest control measures in cultivated medicinal plants. As a result of the study, various types of pests on medicinal plants grown in the forestry of the Kashkadarya region were identified, and the dominant, most harmful species was identified.

Калит сўзлар: доривор экинлар, фармацевтика, зараркунанда, сўрувчи, кемирувчи, агротехник тадбирлар.

Доривор экинларнинг зараркунандаларига қарши курашишда ташкилий-хўжалик тадбирлар, агротехник, биологик ва кимёвий кураш усуллари қўлланилади. Кураш усуллари тўғри ва ўз муддатида, самарали қилиб ўтказиш учун ҳашаротлар ва касалликларнинг ривожланишини узлуксиз назорат қилиш зарур.

Ташкилий-хўжалик тадбирлари. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тизими мутахассислари йил давомида бажарадиган ишлар режасини тузишда қуйидагиларга аҳамият беришлари керак.

Доривор ўсимликлар экиладиган майдонларнинг зараркунандалари билан зарарланиши мумкин бўлган даладарини аниқлаш, уларни ҳимоя қилиш учун сарфланганди ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, турлари ва миқдорини белгилаш, ишлатиладиган техникаларни (ОВХ-28, ОВХ-600 ва бошқ.) таъмирлаб, ишга шай қилиб қўйиш, баланд бўйли бута ва дарахт экинларини ҳимоя тадбирларини олиб бориш учун қулай схемаларда экишни фермерларга тавсия қилиш ва бошқалар.

Агротехник тадбирлар тўғри амалга оширилса, доривор экинларга жиддий зарар етказувчи зараркунандалар сонини камайтириш мумкин.

Агротехник тадбирлар орасида шудгорнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, доривор экинлар плантациялари даласини 25–27 см чуқурликда шудгор қилиш тупроқда қишлоғчи зараркунандалар сонини кескин камайтиради.

Доривор ўсимликларни эрта муддатларда экиш, ўсимликларнинг зараркунандалар томонидан кучли зарарланишини чеклайди. Чунки, эрта муддатларда экилган ўсимликларнинг барг тўқималари қаттиқлашиб қолганлиги боис уларни зараркунандалар кечки муддатларда экилган экинларга нисбатан камроқ зарарлайди.

Қатор ораларини сифатли култивация қилиш, меъёрида ўғитлаш ва суғориш натижасида экинларнинг касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ошади. Далани ўсимлик қолдиқларидан тозалаш ҳам турли зараркунанда ва касалликлар тарқалишига барҳам беради.

Доривор ўсимликлар экилган майдонларни бегона ўтлардан тозалаш уларни зараркунандалар билан зарарланишининг олдини олади. (мисол учун кўпчилик зараркунандаларнинг биринчи авлоди бегона ўтларда ривожланади ва кейинги авлодлари доривор ўсимликларга кўчиб ўтиб, зарар етказиши).

Доривор ўсимликларни жойлаштиришда алмашлаб экиш қўллаш бир хил зараркунандалар ва касаллик кўзгатувчи организмларнинг бир жойда тўпланишига чек қўяди.

Биологик ҳимоя тадбирлари зарарли организмларнинг табиий кушандалари ҳамда микробиологик препаратлардан фойдаланишга асосланган. Зараркунандаларнинг кушанда-

лари паразитлик (трихограмма, бракон, апантелес, энкарзия, афидидлар ва бошқ.) ёки йиртқичлик (олтинкўз, кокцинелидлар, йиртқич ўргимчаклар, арилар ва бошқ.) қилиши мумкин. Паразит ва йиртқичларнинг маҳаллий турларини лаборатория шароитида урчиштириш ва зараркунанда тушган даладарга тарқатиш йўли билан зарарли ҳашарот ва каналарнинг зичлигини хўжалик учун безарар даражада ушлаб туриш мумкин.

Тажриба даласида бир ўсимликда ўртача икки дона оққанот етук зоти пайдо бўлиши энкарзия паразитини чиқариш учун бошланғич вақт, деб белгилаш мумкин. Бу паразитнинг ғумбакларини далага 10 х 10 метр масофада, бир метр кв. жойга 3 – 5 донадан ҳисоблаб чиқарилади.

Доривор ўсимликлар етиштириладиган агробиоценозларда зарар келтирувчи тунламларнинг тухумларига қарши трихограмма паразитини қўллаш тавсия этилади. Бунинг учун шу плантацияларда феромонли тутқичлар ёрдамида тунлам капалакларининг пайдо бўлиши ва тухум қўйиш вақтини билиш, шу асосда зараркунанда зичлигига қараб гектарига 0,5 – 1,0 граммдан бир авлоди учун 3 марта қўллаш кутилган самарани беради.

Энтомофагларни тунламларга қарши далага чиқаришдан аввал тунлам қуртларининг 100 ўсимликдаги ўртача сони аниқланади ва қуртларга нисбатан бракон паразити (зараркунанда : энтомофаг 1 : 5; 1:10 ва 1:15 нисбатларда) тарқатиб чиқилади (Мирзалиева, 1986;). Тажрибаларимиз натижаларининг кўрсатишича, доривор ўсимликларда тунламларга қарши бракон паразитини гектарига 1000 – 1500 донадан, 2–3 маротаба тарқатиш юқори самара беради.

Олтинкўз кушандаси йиртқичлик қилиб яшайди. Бу энтомофаг ҳаммахўр йиртқич ҳисобланади, шунинг учун ҳам олтинкўз тухумларини далага эрта баҳордан бошлаб масвум давомида гектарига 1000 донадан чиқариб бориш мақсадга мувофиқдир.

Касалликларга қарши биологик препаратлар ҳисобланган триходермин, фитолавин ва спорангинларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. “Триходермин” ва “Спорангин” препаратлари уруғликни зарарсизлантириш учун ҳамда вегетация даврида касалликларига қарши ишлатилади. “Фитолавин” препарати ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади. Вегетация даврида препаратлар касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлганда қўлланилади.

Кимёвий ҳимоя усуллари қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилишда асосий ўринни эгаллайди. Бу усулда зараркунанда ва касалликларга қарши ишлатиладиган пестицидлар юқори самара берадиган бўлиши шарт. Тўғри ва илмий асосланган муддатларда ишлатилган пестицидлар ўзини оқлабгина қолмай, балки сарфланган ҳар бир сўм учун бир неча баробар қўшимча да-

ромад келтиради. Айниқса, фаол моддасининг сарф-меъёри ҳар бир гектарига граммлаб ўлчанадиган дорилар (моспилан, калипсо, конфидор, регент, аваунт кабилар) юқори самара бериши билан бирга, атроф- муҳитга таъсири камлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун танлаб таъсир этиб, тезда парчаланиб кетадиган дориларни доривор экинларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш учун ишлатса бўлади. Пестицидларни зараркунанда ва касалликларга қарши ишлатишдан олдин уларнинг иқтисодий зарар- миқдор мезонини билиш муҳимдир.

Доривор экинлар экилгандан бошлаб 3 – 4 чин барг чиқаргунча бўлган даврда уларга илдизқирқар тунламлар, лавлаги ва зиғир бургалари, хумбош қўнғизлар, симқурт ва сохта симқуртлар кўп зарар етказиши. Бу зараркунандаларга қарши курашда уруғларни инсектицид уруғ дориларига билан дорилаб экиш ёки уруғ билан бирга бирор инсектицид шимдирилган ўғитни (аммофос ёки суперфосфат солиш 60 – 100 кг/га) қўллаш юқори самара беради. Доривор ўсимликларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши

курашда Республика Давлат кимё комиссияси томонидан рўйхатга олинган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган препаратлар рўйхати куйидаги жадвалда келтирилган [3,4].

Доривор ўсимликларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши кимёвий ишловни одатда бу зараркунанда ҳашарот тарқалган ерларда, ўсимлик зарарланганлиги кўзга ташланмасдан бурун, ёки 3-4фоиз ўсимлик зарарланганлигида бошлаш керак.

Трактор пуркагичлари ёрдамида бир йиллик ўт ўсимликларга гектарига 300 литр, дарахт ва бутасимон доривор ўсимликларга 500 – 1000 литр (экинларнинг яшил массасига қараб) кимёвий аралаш сарфлаб, ишлов ўтказилади. Кичик майдонларда ишлов ўтказилганда 10 литр сув сиғимли К-45 русумли моторли қўл аппарати ва 25 литр сув сиғимига эга бўлган аравачали кариола пуркагичида ишловлар ўтказилади.

Д.РЎЗИҚУЛОВ, ассистент,
А.ХОЛЛИЕВ, қ.х.ф.ф.д., доцент,
ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мурдахоев Ю.М. “Ўзбекистонда ватан топган доривор ўсимликлар.” Тошкент: “Фан” 1984.
2. Носыров В.И., Дроздовская Л.С., Бушковская Л.М. “Интегрированная защита лекарственных культур – важный фактор повышения их урожайности.” В кн.: Защита лекарственных культур от вредителей, болезней и сорняков. – Москва, 1986.
3. Ў.Аҳмедов, А.Эргашев, А.Абзалов, М.Юлчиева. “Доривор ўсимликлар етиштириш технологияси ва экология.” Тошкент – 2009 .
4. Дусманов И., Холлиев А. “Доривор ўсимликларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши кураш.” Тавсиянома. 2015.

УЎТ: 632.7

УЗУМЧИЛИК СИРАЛARI

ТОКНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАСИ - ТОК БАРГ ЎРОВЧИСИГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация: в статье основные вредители виноградной лозы использовались химическими агентами, такими как Проклейм 5% с.с., Нурелл-Д 55% к.т., и результаты исследования достигли биологической эффективности 82,6-86,9%.

Annotation: in the article, the main pests of the vine were used by chemical agents, such as Proclame 5% s.a., Nurell-D 55% c.t., and the results of the study reached a biological efficiency of 82.6-86.9%.

Бугунги кунда Республикамизда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлардан бири узумчилик ҳисобланади. Сўнгги йилларда бир неча турдаги зараркунандалар тоқзорлар ҳосилдорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Бу зараркунандалар ичида энг кўп тарқалгани тоқ канаси, тоқ барг ўровчисидир.

Шингил ва тоқ барг ўровчиларининг ривожланиши ҳар мавсумда ҳам бир хил бўлмаслиги, биологик хусусияти ва ташқи омилларга боғлиқ жиҳатлари адабиётларда баён этилган. Тадқиқотчиларнинг эътирофи эътиҳа, ўртача популяция ҳолатида бир мавсумда кимёвий воситалар билан 2-4 мартагача зараркунанда авлодларига ишлов бериш улар сонини кескин камайтириш имконини яратади [1,2,3].

Айрим тадқиқотчилар зараркунанданинг баҳордаги авлодига қарши “Диметоат” препаратини икки маротаба қўллаш етарли эканлиги ва тутқичларга 4-5 дона капалаклар тушгандан 6-7 кун ўтиб кейинги ишловларни ўтказиш зарурлигини айтишган. Дарҳақиқат тоқ агробиотеносида тоқ барг ўровчисига қарши кимёвий воситалардан кенг фойдаланилади. Бунда

1-жадвал.
Кимёвий препаратларнинг тоқ барг ўровчисига қарши биологик самарадорлиги (Тошкент вилояти Қибрай тумани 2019 й.).

№	Тажриба вариантлари	Препарат сарф миқдори кг/га	Тажрибадан олдин зараркунандалар сони 1-та шингилда	Тажрибадан кейин зараркунандалар сони 1-та шингилда				Биологик самарадорлик %			
				3	7	14	21	3	7	14	21
1.	Проклейм 5% с.э.г.	0,5	4,8	2,3	1,7	0,6	0,8	52,9	67,9	89,6	86,9
2.	Нурелл-Д 55% к.э.	1,0	5,4	2,7	1,3	0,9	1,2	50,8	78,2	86,2	82,6
3.	Назорат (ишловсиз)	-	5,7	5,8	6,3	6,9	7,3	-	-	-	-